

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент – 2021

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент - 2021

Ботирова Ҳалима

Ўзбекистон Республикаси: Термиз давлат университети илмий тадқиқотчиси

АГРАР СОҲАДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИ СИЁСАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

Сурхондарё вилояти қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этилиб, қишлоқларда йўл-транспорт ва коммуникация тармоғини янада тараққий топиб, иш ўринлари ташкил этилиб аҳолининг ижтимоий бандлиги мустаҳкамланиб, касб-хунар коллежлари битирувчилари мутахассислиги янада оширилиди¹. Қишлоқларда аграр соҳа мутахассисларни маданий-маиший турмуш тарзини янда ривож топиши учун асосий эътиборни Соғлом турмуш тарзи масалаларига қартилиб, қишлоқ аҳолисини, айниқса ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун алоҳида аҳамиятга эга давлат дастурлари ҳаётга жорий қилинди. Қишлоқ жойларида ҳар бир инсон ҳаётида спортнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлиб, мамлакатда спортнинг барча турлари изчил ривожлантирилиб, аҳоли, хусусан, қишлоқ ёшларни оммавий спортга кенг жалб этишга қаратилган амалий ишлар бўйича саъй-ҳаракатлар изчил бажарилди. 2012 йили республика бўйича 108 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилиб, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларни спорт билан мунтазам шуғулланди².

2012 йилди Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари аграр соҳа мутахассисларни иш фаолияти билан боғлиқ ибратли ишларни амалга ошириди. Мамлакатдаги 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги "Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ болалар майдончаларидан мақсадли фойдаланиш, уларни сақлаш ҳамда болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишида майдончаларнинг аҳамиятига бағишланган тарғибот ишларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Айни чоғда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятларидаги қишлоқ ҳудудларидаги 2795 та майдонча ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди³.

Қишлоқ турмуш тарзидаги асосий масала она-болаларни соғлигини ҳимоя қилиш давлат дастурини бажарилиши заминида оналарнинг обрў – эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ўстиришда болалар спортини ривожлантириш орқали жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни камолга етказиш, қишлоқ оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Фонд томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақаларининг ҳам ўрни ижобий бўлди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ЁИХ ва

¹ Темиров Н. Таҳлил ва танқид руҳида Халқ сўзи. 2013 йил 8 феврал, № 27 (5701)

² . Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил., 36-бет

³ . Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 феврал 23-бет

бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилган "Футболимиз келажаги" республика кубоги мусобақалари ташкил этилганидан буён унда иштирок этаётган маҳаллалар ва ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Қиёслайдиган бўлсак, 2008 йилда турнир қўйи босқичлари 8159 та Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган бўлса, 2012 йили улар сони 8669 мусобақаларда 500 минг нафар ёш иштирок этган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони миллион нафардан ошиб кетди. Шу ўринда ташкилотчилар томонидан мусобақа иштирокчиларининг доимий рағбатлантириб келинаётгани турнирнинг янада оммалашувида муҳим омил бўлаётганлигини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, мусобақанинг ўтган йилги маҳаллалараро босқичларини юқори савияда ўтказиш учун Фонд ҳисобидан 20,5 миллион, ҳомийлар томонидан эса 116,5 миллион сўм маблағ сарфланди¹.

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чоратadbирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика мусобақалари, бир неча йилдирки, уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ушбу мусобақалар боис қишлоқ ёшлар ўртасида миллий курашга бўлган қизиқиш муҳими, катта спорт учун муносиб ворислар аниқланаётгани диққатга сазовордир. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2011 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди². Курашни аввал маҳалла, кейин туман ва вилоят босқичларида қишлоқ ёшлари кўлга киритган ютуқларидан руҳланиб, келажакда машхур курашчилари бўлиб етишиш мақсадида "Маҳалламиз паҳлавонлари" турнирида фаол иштирок этиб, бу борада қишлоқ ёшлари учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди.

Қишлоқ маҳаллаларда спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Фонд ҳамда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ЁИХ, Миллий телерадио-компания ҳамкорлигидаги "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" спорт ўйини мусобақаларининг ҳам қишлоқларда алоҳида ўрни бор. 2011 йили мазкур мусобақанинг қишлоқ маҳаллалараро босқичлари 6726 та фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб этилди.

Энг аввало, соғлиқни сақлаш бутун тизимининг энг муҳим бўғини – кўп соҳали туман касалхоналари ҳамда қишлоқ тиббиёт муасасаларини ривожлантириш, уларни техника билан жиҳозлаш, дори – дармон ҳамда препаратлар билан таъминлаш зарур. Зеро уларнинг вазифаси аҳоли орасида профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. Оилаларнинг ушбу мусобақа, умуман, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида, беллашувларда фаоллик кўрсатган 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Аграр соҳани ривожлантиришда, қишлоқ-хўжалигининг ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда олиб борилиши лозим бўладиган ишлар каторида қишлоқлардаги экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимлигига тўхталиб ўтилди. Жумладан, қишлоқларда атроф табиий мухитни муҳрфаза қилиш, ер билан боғлиқ табиий ресурслардан, айниқса, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолисини манфаатларни ҳисобга олиб буғ-газ электр станциялари қурилишини тезлаштириш,

¹ . Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2010 йил, 10 июн, 36-бет

² . Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2010 йил, 10 июн, 36-бет

қишлоқларга мос ва хос энергиянинг ноанъанавий турларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, қишлоқ-хўжалиги учун муҳим ҳисобланган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ-хўжалигида меҳнат қилаётган аграр соҳа мутахассисларнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси қишлоқларда кучаймоқда.

Айни чоғда қишлоқ аҳолисининг электрга бўлган талаб эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси буғ-газ электр станцияларини қуриш, қишлоқ-хўжалигини мунтазам ривожлантириш учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, аграр соҳа мутахассислари учун кундалик зарур ҳисобланган электр энергияси истеъмоли ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни транспортировка қилишда технологик йўқотишларни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриш ҳақида айтиб ўтган фикрлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бойси бунинг пировард натижасида мамлакатимиз қишлоқ-хўжалиги учун зарур бўлган энергетика секторида "яшил ривожланиш"нинг муҳим платформаси бўлмиш "соф ривожланиш механизмлари"нинг жорий қилиниши учун кучли асос яратилади. Шубҳасиз, ушбу эзгу мақсадлар рўёбида Мамлакатимизда аграр соҳа мутахассислари учун кундалик талаб эҳтиёжларни қондирадиган аграр соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқ-хўжалигини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган таклиф, гоё ҳамда қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилаётгани гоётда муҳимдир.

Қишлоқ аҳолисининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришга дастурий вазифаларнинг устувор масаласи сифатида эътибор қаратилди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ аҳолисининг экологик маданиятини ошириш йўналишидаги 70 дан ортиқ таҳлилий-амалий тадбирлар ташкил этилди. Уларнинг мазмун-моҳияти қишлоқ аҳолисининг экологик вазиятни соғломлаштириш шароитида қишлоқлардаги ўқув-муассасаларида экологик таълим-тарбия истиқболларини, ёшлар ўртасида экологик билим ва маданиятини шакллантиришнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрни, қишлоқ аҳолисининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда оила ва маҳалланинг роли каби долзарб масалаларни қамраб олди.

Дуланов Отабек Юлдошевич

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси

СУРХОН ВОҲАСИ ЮЗ (ЖУЗ)ЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДАГА ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сурхон воҳасида юз (жуз)лари миллий таомлари рақибонада гўшт ва гўштли маҳсулотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Воҳанинг Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой туманлари ҳудудида юз (жуз)ларнинг чорвадор ярим ўтроқ аҳоли яшаб, улар анъанавий равишда гўштли таомларни кўпроқ истеъмол қилганлар.

Гўштли таомлар асосан кўй гўштидан тайёрланган. Эътиборга сазовор томони шундаки, Республиканинг бошқа минтақаларидан фарқли тарзда Сурхон воҳасида юз (жуз)ларида яшовчи ўзбек уруғлари сигир гўштини «совуқлик» деб деярли истеъмол қилмаган. Чунки, маҳаллий аҳоли тасавурида сигир гўшти «совуқлик» бўлиб, агар сигир

		ТОҶИКОН	
190.	Исроилов С.Ш Ҳочиев К.М	ҲОҶӢ ЮСУФ ҲАМЧУН МАОРИФПАРВАР	705
191.	Исроилов С.Ш Ҳовиев К.М Юлдошева Н.Н	ШӢҲРАТИ ҶАҲОНИИ МИРЗО ТУРСУНЗОДА	707
192.	Раҳматуллоев И. Ҳочиев К. Юлдошева Н.	БОЗӢФТИ НОДИР АЗ САРАЗМИ БОСТОНӢ	712
193.	Ҳочиев К.М	ОЛИ СОМОН ДАР ОСОРИ ТАӢРИХИИ ПРОФЕССОР МУХТОРОВ АБДУСАТТОР	717
194.	Каттаева Г.Ч.	СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИНИНГ БӢСТОН БОСҚИЧИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТӢҒРИСИДА ДАСТЛАБКИ МУЛОҲАЗАЛАР	720
195.	Аҳмадов Аҳмаджон Асрор Ӣғли Тешаев Азиз ТӢйнор Ӣғли	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “АМИР ОЛИМХОННИНГ ҲУКМРОНЛИК ДАВРИ” РИСОЛАСИДА АМИРЛИҚДАГИ ҲАРБИЙ ТУЗИЛМА ВА АҒҒОН САРБОЗЛАРИ ХУСУСИДА	726
196.	Аҳмадов Аҳмаджон Асрор Ӣғли	BUXORO VA AFG’ONISTON O’RTASIDAGI KARVON YO’LLARINING SAVDO-SOTIQ MUNOSABATLARIDAGI O’RNI	729
197.	Ғулумшоева Ӣсамин, Раҳимов Басирчон Шодмонқулович	НИГОҲЕ БА ДАСТАРХОНИ МАРДУМИ ВАХОН	732
198.	Ботирова Ҳалима	АГРАР СОҲАДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙӢРЛАШДА ЯНГИ СИӢСАТНИНГ ӢЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.	735
199.	Дуланов Отабек Юлдошевич	СУРХОН ВОҲАСИ ЮЗ (ЖУЗ)ЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДАГА ӢЗИГА ХОСЛИК ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ	737
200.	Ӣқубова Диларам Таджиевна	СУРХОНДАРӢ ҲУДУДИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МАҚСАДИ	740
201.	Зоиров Зариф	ӢЗБЕК МУСИҚАСИНИНГ САНЪАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖОДИЙ ТАҲЛИЛЛАР	742
202.	Каримов Акбар	ӢШЛАРДА МИЛЛИЙЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚАДРИЯТ ҒОЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ	743
203.	Қаршиев Ислон	ӢЗБЕК ҚУНҒИРОТЛАРИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ӢЙИНЛАРИНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ	746
204.	Маллаев Дилмурод Турсунмуротович	СУРХОН ВОҲАСИ ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ МАРОСИМЛАРИ ВА УДУМЛАРИ	749
205.	Мамаражабов Ғайрат Абдулҳакимович	ӢЗБЕК МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА БОЙСУННИНГ ӢЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ	751